

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
УЧУН БЕРИЛАДИГАН КРЕДИТЛАРНИ ҚАЙТМАСЛИГИНИ СУГУРТА ҚИЛИШ 21
-55/0162-сонли БОШ ШАРТНОМАСИ**

Урганч ш.

2021 й. 21 сентябрь

Умумий сугурта тармогида сугурта фаолиятини амалга ошириши учун 2013 йил «12» сентябрда берилган 00183-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензиясига ва Уставига биноан «IShONCh» Банклараро сугурта компанияси МЧЖ ҚҚ номидан-Низом ва 2021 йил «04» январь № 9- сонли Бош Ишоннома асосида ҳаракат қилувчи Хоразм вилоят филиали директори **Маткаримов.Б.Ш** (Ф.И.Ш.), бир томондан ва келгусида «Сугурта қилдирувчи» деб аталадиган «Халк банк» Хоразм вилоят Хива филиали раҳбари **О.Кузиев** (Ф.И.Ш.), ҳамда ушбу Ўзбекистон Республикаси Давлат Дастурларини амалга ошириш бўйича бериладиган кредитлар қайтмаслиги хатаридан сугурта қилиш шартномасини қуйидагилар тўғрисида тузишди.

1-БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ Сугурталовчи Бош шартноманинг биринчи иловасида курсатилган қарздорликни кредит шартномасига қура қарзини тўлаш бўйича Қарз олувчи мажбуриятларини бажарилмаслиги натижасида Сугурта қилдирувчига етказилган зарарни қуйида кўрсатилган тартибда ва ҳажмда қоплаб бериш мажбуриятини олади, бунда Сугурта қилдирувчи мазкур Сугурта шартномасида белгиланган миқдорда ва муддатларда сугурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади, ҳамда ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган Сугурталовчига тақдим этилган Аризада (илова № 1) келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

2-БОБ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Сугурталовчи – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 12.09.2013 йилдаги СФ 00183-сонли Лицензияси ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи «IShONCh» Банклараро сугурта компанияси МЧЖ ҚҚ.

Сугурта қилдирувчи - Сугурта шартномасини тузаётган, сугурта мукофотини тўлаётган ва Сугурталовчи билан аниқ сугурта муносабатларига қираётган банк ташкилоти.

Сугурта шартномаси – Сугурта қилдирувчи Сугурта шартномасида белгиланган тартиб ва миқдорда сугурта мукофотини тўлаши шarti билан, сугурта ходисаси рўй берган тақдирда, Сугурталовчи Сугурта қилдирувчига зарарларини қоплаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини тасдиқловчи Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ўртасидаги ёзма келишув. Сугурта полиси, ариза-анкета, иловалар, истиснолар, алоҳида келишилган шартлар Сугурта шартномасининг ажралмас қисмлари ҳисобланади.

Сугурта Полиси – Сугурта қилдирувчига сугурта мукофотини ёки унинг келишилган қисмини Сугурталовчига тўлаганидан сўнг бериладиган ва мазкур Шартнома талабларига мувофиқ сугурта Шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (илова №2).

Қарз олувчи – Кредит шартномасида номи кўрсатилган муомала лабқатига эга бўлган жисмоний шахс. Жисмоний шахсларга кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсияномаси қабул қилинади.

Кредит шартномаси – Сугурта қилдирувчи ва Қарздор ўртасидаги шартномадир.

Сугурта пули – сугурта Шартномасининг 5.1-бандида кўрсатилиб, Сугурталовчи ушбу миқдор доирасида тўлайдиган пул маблағлари миқдори.

Сугурта мукофоти – сугурта Шартномасида кўрсатилган ва Сугурта қилдирувчи/Қарз олувчи Сугурталовчига мазкур сугурта Шартнома билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши лозим бўлган пул маблағлари миқдори.

Сугурта ходисаси – Сугурта шартномасида назарда тутилган, ҳужжатлар билан тасдиқланган ва сугурта даври ва ҳудудда ҳақиқатан рўй бериши оқибатида Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ходиса.

Сугурта товони – Сугурта ходисаси рўй берган тақдирда мазкур сугурталаш Шартномасига мувофиқ Сугурталовчига сугурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари миқдори.

Сугурта даври - сугурта Полиси амал қилиш даври. Сугурталовчининг сугурта ходисалари бўйича мажбуриятлари фақат сугурта Полисида кўрсатилган сугурта даврида амал қилади.

Қутиш даври – Сугурта қилдирувчининг кредит қайтарилиш жадвалига асосан асосий тўловлардан юзага келган муддати ўтган қарздорликлар бошланган 60 (олтмиш) календарь куни давомида ушбу муддати ўтган қарздорликларни тўлашни юзасидан зарурий тадбирларни амалга оширилиш даври.

Зарар – Қарз олувчининг Сугурталовчи олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида Сугурталовчи томонидан тўлик қайтариб олинмаган пул маблағлари йиғиндиси ва сугурта даврида берилган кредит бўйича Қарз олувчи томонидан Сугурталовчига қайтарилмаган асосий қарз суммаси ҳисобланади.

3-БОБ. СУГУРТА ХОДИСАСИ

3.1. Сугурта ходисаси бўлиб, Қарз олувчининг бахтсиз ходиса оқибатида рўй берган ўлими ёки бахтсиз ходиса оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиши (I ва II гуруҳ ногиронлиги) вужудга келиши натижасида Сугурта қилдирувчига кредит шартномасида кўрсатилган шартларда ва муддатларда 60 (олтмиш) кундан ортиқ муддат ичида тўловларни ўз вақтида тўлай олмаслиги ҳисобланади.

3.2. Сугурта ходисаси рўй беришининг асосий шarti бўлиб, қарз олувчининг тўловга қобилиятсизлиги ўлим гувоҳномаси асосида ёки ўз меҳнат қобилиятини йўқотиши (I ва II гуруҳ ногиронлиги) Ўзбекистон Республикаси

Соглиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-мехнат экспертиза хизмати тизимидаги мустақил таркибий бўлимаси бўлган “Тиббий-мехнат эксперт комиссиялари”нинг шахсни ногирон деб эътироф этиш бўйича хулосаси/қарори асосида тан олинади.

4-БОБ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Мазкур сугурта шартномасига мувофиқ кредитнинг тўлиқ ёки қисми мақсадсиз ёки кредитлаш қоидалари ва қўлланмасига амал қилмаслик оқибатида ўз вақтида сўндирилмаганда Сугурталовчи мазкур сугурта шартномаси бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

4.2. Қуйидаги ҳолларда Сугурталовчи Сугурта қилдирувчига ҳодисани сугурта ҳодисаси деб тан олишни ва сугурта товонини тўлашни рад этиши мумкин:

- Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига Сугурта шартномасини тузиш ҳақидаги қарорни қабул қилишига асос бўладиган маълумотларни тақдим этмаган ҳолда сугурта қалтислиги ҳақида қарор чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга тафсилотлар ҳақида нотўғри маълумотларни тақдим этса;

- агар Сугурта қилдирувчи ушбу шартнома шартларини бузса;

- агар Сугурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи томонидан сугурта ҳодисасининг юз беришига олиб келган жиноят содир этилган бўлса;

- агар Сугурта қилдирувчи Сугурталовчининг сугурта шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига розилик бермаса ёки тўскиндлик қилса.

4.3. Сугурталовчи қуйидаги ҳолларда сугурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга:

- агар сугурта шартномасининг муддати сугурта ҳодисаси юз бергунга қадар тугаган бўлса, жумладан Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик Кодексининг 948-моддасида кўрсатилган ҳолатларга асосланган ҳолда.

4.4. Сугурта товони қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

4.4.1. Кредит шартномаси амал қилиш даврида Қарз олувчига ҳисобланган, лекин у томонидан тўланмаган кредитдан фойдаланганлик учун жарима, суд ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатлар;

4.4.2. Сугурта қилдирувчи томонидан ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишга сарфланган ҳаражатлар;

4.4.3. Сугурта қилдирувчи томонидан кредитни сўндириш муносабати билан тўловлар, ўтказмалар, пул маблағларини етказиб бериш ва бошқа операцияларни хатолик билан амалга оширилиши натижасида вужудга келган зарарлар;

4.4.4. Сугурталовчи қуйидагилар оқибатида вужудга келган зарарларни қоплаш бўйича жавобгарлик олиб бормайди:

а) кредит маблағларини кредит шартномасида кўрсатилмаган ёки кредит шартномасида техник-иктисодий асосланмаган ҳаражатларни қоплашга ишлатиш;

4.4.5. Сугурталовчи қуйидаги ҳолларда жавобгарлик олиб бормайди:

а) Қарз олувчи сугурта шартномаси имзоланаётган вақтда унинг муддати ўтган кредит қарздорлиги мавжуд бўлса;

б) Сугурта қилдирувчи ёки Қарз олувчи сугурта шартномаси амал қилиш даврида тўлов муддатини, кредит даврини, кредит шартномасининг бошқа шартларини ўзгартирса ёки кенгайтирса ва бу ҳақида Сугурталовчинини ёзма равишда огохлантирмаган бўлса;

в) Қарз олувчи кредитдан тўлиқ ёки қисман кредит шартномасида кўрсатилган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланса.

4.4.6. Қуйидагилар натижасида бевосита ёки билвосита рўй берган ҳодисалар сугурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

а) Сугурта ҳудудидан ёки Сугурта давридан ташқарида рўй берган бахтсиз ҳодисалар;

б) эпидемиялар;

в) алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш ёки наркотик моддаларни истеъмол қилиш натижасида заҳарланиш, Қарз олувчи маст ҳолатининг ҳар қандай тури ёки мастлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар оқибатида тан жароҳати олиши ва оқибати ўлим билан тугаши;

г) Қарз олувчи бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномасини талаб этадиган автотранспорт воситасини бундай гувоҳномасиз ҳайдаши оқибатида тан жароҳати олиши ва оқибати ўлим билан тугаши;

д) Қарз олувчининг ўз жонига қасд қилиши.

4.4.7. Барча турдаги сурункали касалликлар, шу жумладан касбий ва юқумли касалликлар шу жумладан ОИВ инфекцияси, ОИТС ва ҳар қандай таносил касалликлари сугурта ҳодисаси деб тан олинмайди.

5-БОБ. СУГУРТА ПУЛИ, СУГУРТА МУКОФОТИ

5.1. Ушбу сугурта шартномаси бўйича сугурта пули Сугурта қилдирувчи томонидан Қарз олувчиларга берилган кредит суммасининг 1,25 фоизини, яъни 1 937 642 812,50 (бир миллиард тўққиз юз уттиз етти миллион олти юз қирқ икки миң саккиз юз ун икки сум 50 тийин) сўмлик шартномадан иборат.

5.2. Сугурта шартномаси бўйича умумий сугурта мукофоти 27 724 017,19 (йигирма етти миллион етти юз йигирма тўрт миң ун етти сум 19 тийин) сўм.

5.3. Сугурта мукофоти мазкур Сугурта шартномаси томонлар томонидан имзоланганидан сўнг 3 (уч) банк куни ичида бир йўла тўлов билан Сугурталовчининг банк ҳисоб рақамига тўланади.

5.4. Сугурта Полиси сугурта мукофоти Сугурталовчининг банк ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб 1 (бир) банк куни ичида берилди.

5.5. Сугурта мукофоти тўланган кун деб, пул маблағлари Сугурталовчининг банк ҳисоб рақамига тушган кун ҳисобланади.

6-БОБ. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Сугурта Шартномаси томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга кирилади. Сугурталовчининг сугурта ходисаси юз берганда сугурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти мазкур шартноманинг 5.2. - бандида кўрсатилган сугурта мукофоти сугурталовчининг ҳисоб рақамига тушгандан кейинги кундан бошланиб, сугурта полисида кўрсатилган охири санада соат 24-00 да тугайди.

6.2. Сугурта килдирувчи томонидан сугурта мукофоти тўлик тўланмаганда, Сугурталовчининг жавобгарлиги аслида тўланган сугурта мукофотига нисбатан белгиланади. Бунда сугурта полиси сугурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб давр учун берилади.

7-БОБ. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Исталган вақтда, учинчи томон манфаатларига таъсир қилмаган ҳолда, ҳар қандай томон бекор қилиш тахмин қилинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмасдан бошқа томонни мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хат билан огоҳлантириш ҳуқуқига эга.

7.2. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

- Сугурта килдирувчи томонидан сугурта мукофоти шартномада кўрсатилган муддат ва миқдорда тўланмаганда;
- шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;
- Сугурта килдирувчи мазкур шартномадаги мажбуриятларини тўлик бажарганда;
- томонлардан бирининг талабига кўра шартнома бекор қилинганда;
- Сугурта килдирувчининг талаби (ташаббуси) билан ушбу шартнома шартлари Сугурталовчи томонидан бузилган ҳолларда;
- ваколатли суд қарорига кўра мазкур шартнома ўз кучини йўқотган деб эътироф этилганда;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда;
- Сугурта килдирувчи фаолияти тугатилса, Сугурта килдирувчини қайта ташкил этилганлиги (қўшилиш, сотиб олиниши ва ш.к.) муносабати билан, сугурта шартномасида алмаштирилиш ҳолатлари бундан мустасно;
- Сугурта килдирувчини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб тан олинганда;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида келтирилган бошқа ҳолатларда.

7.3. Сугурта килдирувчи Сугурта шартномасидан исталган пайтда воз кечиши мумкин. Сугурта килдирувчи томонидан ушбу шартнома муддатидан аввал бекор қилинганда, тўланган сугурта мукофоти қайтариб берилмайди.

7.4. Сугурта килдирувчи сугуртадан Сугурталовчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли муддатдан аввал воз кечганда, сугурта мукофоти сугурта даврининг ўтмаган даврига нисбатан ҳисоблаб қайтарилади.

7.5. Агар сугурта Шартномаси тузилганидан сўнг, Сугурта килдирувчи Сугурталовчига сугурта ходисаси вужудга келиши эҳтимолини аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида била туриб, ёлгон маълумотлар берганлиги аниқланса, Сугурталовчи сугурта Шартномасини бекор деб тан олинганлиги талаб этишга ҳақли.

8-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Сугурта килдирувчининг ҳуқуқлари:

8.1.1. Сугурталовчи билан келишилган ҳолда сугурта Шартномасига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш;

8.1.2. Сугурта шартномаси амал қилиш бутун муддати ичида Сугурталовчидан сугурта масаласи бўйича маслаҳат олиш;

8.1.3. Сугурта Полиси йўқолган тақдирда унинг дубликатини олиш.

8.2.3. Мазкур сугурта шартномасига мувофиқ сугурта ходисаси содир бўлганда сугурта товонини олиш.

8.2. Сугурта килдирувчининг мажбуриятлари:

8.2.1. Сугурталовчига рўй берган сугурта ходисасининг ҳолатларини ва сабабларини текширишда ёрдам кўрсатиш, ҳамда сугурта Шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг бузилишига йўл қўймасликка қаратилган барча чораларни кўриши.

8.2.2. Шартноманинг амал қилиш даврида, ва шартнома тузилаётганда Сугурталовчига сугурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида маълум қилиши, ва маълум қилинган ҳолатларда ўзгариш юз берганлиги маълум бўлса, ва ушбу ўзгаришлар сугурта ходисаси рўй бериши эҳтимоллигини оширса, Сугурталовчига унга маълум бўлган ўзгаришлар тўғрисида дарҳол хабар бериши;

8.2.3. Қарз олувчининг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши ҳолати юзасидан сугурталовчига унинг сўровига мувофиқ ўз вақтида маълумот тақдим этиши.

8.2.4. Кредит шартномасида кўрсатилган кредит муддатининг тугашига 30 кун қолганда кредитнинг сўндирилиши ҳолати бўйича ёзма хабарнома бериши.

8.2.5. Тўланган сугурта товони доирасида Қарз олувчига талаб қўйиш бўйича барча ҳуқуқларини Сугурталовчига ўтказиши.

8.2.6. Сугурта килдирувчининг юридик манзили ўзгарганда бу ҳақида Сугурталовчига 10 (ўн) кундан кечиктирмасдан хабар бериши.

8.3. Сугурталовчининг ҳуқуқлари:

8.3.1. Томонларнинг келишувига мувофиқ мазкур сугурта шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

8.3.2. Сугурта килдирувчи томонидан Қарз олувчининг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши ҳолати юзасидан ва/ёки сугурта ходисаси рўй бериш факти юзасидан нотўғри маълумот берилса сугурта ходисаси рўй берганлигини рад этиш;

8.3.3. Сугурталовчи томонидан мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажармаса ёки тўлик бажармаса сугурта товонини тўлашни рад этиш;

8.3.4. Мазкур шартноманинг 9.1.-бандига мувофиқ сугурта ходисаси содир бўлганлиги хақида ўз вақтида хабар бермаса сугурта товонини тўлашни рад этиш;

8.3.5. Сугурта килдирувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳамда Қарз олувчининг мазкур сугурта шартномаси ва кредит шартномаси шартларини бажариши билан боғлиқ маълумотларни текшириш;

8.3.6. Сугурта килдирувчининг сугурта товонини тўлаб бериш тўғрисидаги талаби бўйича жавобгарлигини бажарганидан сўнг, Сугурта килдирувчидан тўланган сугурта товони доирасида Қарз олувчидан талаб қўйиш бўйича барча ҳуқуқларини Сугурталовчига ўтказишини талаб қилиш;

8.3.7. Сугурта қалтислиги даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгиловчи ҳужжатларни талаб қилиши. Агар мазкур сугурта шартномасининг амал қилиш даврида сугурта қалтислиги даражаси ўзгарса, сугурта мукофоти миқдори ҳам ўсиш ёки камайиш тарафига қайта кўриб чиқиши мумкин.

8.4. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

8.4.1. Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан ва вужудга келган ҳодиса сугурта ходисаси сифатида тан олинганидан сўнг, Ушбу шартноманинг 10.1- бандида белгиланган муддат ва 10.2-банда белгиланган шартга амал қилган ҳолда Сугурта килдирувчига сугурта тўловини амалга ошириш;

8.4.2. Сугурта шартномаси амал қилиш бутун муддати ичида Сугурта килдирувчига сугурта масаласи бўйича маслаҳат бериш;

8.4.3. Сугурта Шартномасининг амал қилиш даврида Сугурта килдирувчидан олинган маълумотлар махфийлигини сақлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Сугурталовчи маълумотни давлат органларига тақдим этишга мажбур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

9-БОБ. СУГУРТА ДАЪВОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Қарз олувчининг қарздорликни қайтариши Кредит шартномасида белгиланган муддатдан 60 (олтмиш) кундан ошиб кетганда Сугурта килдирувчи 5 (беш) банк кун ичида бу хақида Сугурталовчини ёзма хабардор қилиши шарт. Сугурта килдирувчи Сугурталовчига сугурта товонини тўлаб бериш бўйича кутиш даври ўтгандан кейин талаб қўйиши мумкин.

9.2. Сугурталовчига сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги талабини тақдим этганда, Сугурта килдирувчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- сугурта товонини тўлаш тўғрисидаги ариза;
- Сугурта Полисининг асл нусхаси;
- кредит шартномаси нусхаси ва кредит бўйича қарздорликни қайтариш жадвали;
- муддати ўтган кредит қарздорликни тасдиқловчи маълумотнома;
- ушбу сугурта ҳолатига алоқадор бошқа ҳужжатлар;
- жорий санада Қарз олувчининг ҳисоб рақамидagi маблағлар сальдоси тўғрисида банк маълумотномаси, кредит шартномаси амал қилган муддатда маблағлар ҳаракати тўғрисида кўчирмалар, кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳужжатлар;
- кредит бўйича қарз миқдорини кўрсатувчи Қарз олувчи томонидан тасдиқланган ҳужжат;
- қарз олувчининг бевақт ўлимини тасдиқловчи ўлим гувоҳномасидан нусха ёки олган тан жароҳати сабабли унга қўйилган I ва II гуруҳ ногиронлик ташхиси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-мехнат экспертиза хизмати тизимидаги мустақил таркибий бўлинимаси бўлган "Тиббий-мехнат эксперт комиссиялари"нинг шахсни ногирон деб эътироф этиш бўйича ҳулосаси/қароридан нусха;
- ваколатли суднинг кредит қарзини Қарз олувчидан (жисмоний шахсдан) ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори.

9.3. Мазкур ҳодисага тегишли барча ҳолат, маълумот ва ҳужжатларни ўрганиб чиққанидан сўнг, Сугурталовчи бўлиб ўтган ходисани сугурта ходисаси сифатида тан олиш ёки тан олмаслиқ тўғрисида қарор чиқаради. Даъвони кўриб чиқиш муддати, Сугурта килдирувчи томонидан сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганидан кейин 10 (ўн) кунни ташкил этади. Сугурта килдирувчи томонидан 9.2-бандда кўрсатилган барча зарур ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилмаса, Сугурталовчи улар тақдим этилгунга қадар, мурожаатни кўриб чиқишни тўхтатиб туришга ҳақли.

9.4. Сугурталовчи томонидан юз берган ҳодиса сугурта ходисаси сифатида тан олинган тақдирда, тўлангани лозим бўлган сугурта товонининг миқдори аниқланади ва сугурта ходисаси тўғрисидаги Далолатномада кўрсатилади, мазкур Далолатнома Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи томонидан имзоланади.

9.5. Томонлар ўртасида зарар сабаби ва миқдор бўйича низо вужудга келганда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

9.6. Юз берган ҳодиса сугурта ходисаси деб тан олинмаса, Сугурталовчи Сугурта килдирувчини улар сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин (10) ўн кундан кечиктирмай рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган қарори тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

9.7. Сугурта товони тўлаб берилгандан сўнг Сугурта килдирувчи қарз олувчига ёки исталган жавобгар шахсга ва ташкилотга регрессе қўллаш бўйича барча ҳуқуқларни кредит шартномаси ва амалдаги қонунчилик меъёрлари доирасида Сугурталовчига ўтказишни таъминловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва ушбу ҳуқуқ юридик кучга эга бўлишини таъминлаши шарт.

10-БОБ. СУГУРТА ТОВОНЧИНИНГ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Сугурталовчи томонидан сугурта товони сугурта ходисаси тўғрисидаги Далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида тўланади.

10.2. Сугурта товони Муайян сугурта полиси бўйича сугурта пули ва микрокредит бўйича асосий қарз ҳамда унга ҳисобланган фоизларни сўндириш (тўлаш) учун йўналтирилган пул маблағларини ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади. Сугурта товони сугурта қилдирувчига сугурта пулидан ошмаган ҳолда тўланади.

10.3. Сугурта товони тўлаб берилган кундан кейин ўн кунлик муддатда Сугурталовчи тўланган сугурта товони доирасида Қарз олувчига талаб қўйиш бўйича барча ҳуқуқларини Сугурталовчига ўтказлади.

11-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлик ёки тўлик бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда бир хил жавобгар бўладилар.

11.2. Сугурталовчига тегишли сугурта муқофотини тўлаш муддатларига амал қилинмаган тақдирда Сугурталовчининг талабига кўра томон ҳар бир кечиктирилган кун учун қарзнинг 0,1 фоизи миқдоридан, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 20 (йигирма) фоизидан ошмаган миқдорда пеня қўллаши мумкин.

12-БОБ. СУБРОГАЦИЯ

12.1. Сугурта қилдирувчининг зарари учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сугурта товони суммаси доирасида Сугурталовчига ўтади.

12.2. Сугурта қилдирувчи сугурта товонини олганда, Сугурталовчига барча зарур ҳужжатларни бериши шарт ва сугурта ходисаси вужудга келиши учун жавобгар шахсга нисбатан Сугурталовчи қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур барча чораларни қўриши шарт.

12.3. Агар Сугурта қилдирувчи Сугурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Сугурта қилдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Сугурталовчи сугурта товонини тўлик ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва сугурта товонининг ортиқча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

13-БОБ. ФОРС-МАЖОР

13.1. Агар томонлар мазкур сугурта Шартномаси бўйича мажбуриятларини энгиб бўлмас ҳолатлар, уруш ва бошқа сиёсий қалтисликлар (ҳарбий бостириб кириш ҳаракатлари (уруш эълон қилинганми ёки йўқлигидан қатъий назар), исён, революция, иш ташлаш, фуқоралик галаёнлари, террористик актлар, фуқоралик урушлари, реквизиция, конфискация, Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатли органи томонидан мулкка эгалик ҳуқуқидан доимий ёки вақтинчалик маҳрум этиш (форс-мажор) оқибатида бажармасалар, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. Энгиб бўлмас ҳолатлар таъсири остида қолган томон иккинчи томонни айғиб ўтилган ҳолатлар вужудга келганлиги ва уларнинг тахминий давомийлиги тўғрисида дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши, ҳамда бошқа томонга тегишли ҳужжатни тақдим этиши шарт. Форс-мажор ҳолат юз бергани ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

13.2. Томонларнинг ёки исталган томоннинг жавобгарлигини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи энгиб бўлмас ҳолатлар 90 календар куни ёки ундан ортиқ давом этса, ушбу сугурта шартномаси томонларнинг бир биринга ўзаро даъвосиз бекор қилинган ҳисобланади.

14-БОБ. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1. Сугурта қилдирувчи Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти 2009 йил 13 октябрдаги “Сугурталовчилар ва сугурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари”да таъкиқланган шубҳали операциялар ҳусусида огоҳлантирилган. Ушбу Қарорга риоя қилишнинг юридик маъсулияти Сугурта қилдирувчи зиммасига юклатилади.

15-БОБ. БОШҚА ШАРТЛАР

15.1. Ушбу сугурта шартномасига киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб имзоланган ҳолда ҳақиқийдир.

15.2. Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ушбу Шартнома мавжудлиги ва унинг мазмунини тегишли томоннинг олдиндан берадиган ёзма розилигисиз ҳар қандай учинчи томонга ошқор қилмасликка рози бўлади ва тасдиқлайди. Махфий маълумотларни ошқор қилган томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра жавобгар бўлади.

16-БОБ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

16.1. Мазкур Шартномадан чиқиши мумкин бўлган барча низо ва қелишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади.

16.2. Қелишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ўртасидаги низо ва қелишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади ёки Ўзбекистон сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари Уюшмаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида (кейинги ўринларда “Ҳакамлик суди”) Ҳакамлик суди раиси ёки у тайинлаган судья ёхуд хайъат томонидан кўриб якуний ҳал қилинади. Низо хайъатда кўриб чиқилганида хайъат таркиб Ҳакамлик суди раиси томонидан ўз ихтиёрига кўра шакллантирилади.

16.3. Келишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ёки Қарз олувчи – жисмоний шахс ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар жавобгар жойлашган манзил бўйича фуқоралик судида ҳал этилади.

16.3. Мазкур сугурта Шартномаси бир хил юридик кучга эга 3 (уч) нусхада тузилган ва имзоланган бўлиб, ҳар бир тарафда биттадан нусха сақланади.

16.4. Мазкур сугурта Шартномасида ақс эттирилмаган бошқа шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

17-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

Сугурталовчи:
«IShONCh» БСК МЧЖ ҚҚ
Сугурталовчининг номидан ва топширигига асосан
Хоразм вилоятидаги филиал
Урганч шаҳар А.Баходирхон кучаси 182 уй
тел.:62 228- 84 25 ,95-602-69-56
факс:
x/p20216000500600298118
АТБ "Invest Financet Bank "Хоразм филиалида
Банк коди: 01129
СТИР: 201 929 119; ХХТУТ: 96220

Директор
(Ф.И.О.)Маткаримов .Б.Ш



Сугурта килдирувчи
XORAZM VILOYATI XIVA FILIALI
XIVA sh. Feruz k. 12-uy.
MFI: 29896000800000811001
MFO: 00811 INN: 201126492
Bank коди: МФО
OKONX: 96130 OKPO: 2328492
СТИР: ИНДЕКС: 220900
SOATO: 4733226501 SOOGU: 5214



Бош юрист В.В. Б. Маменов